



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2024 йил 26 март, № 61 (8684)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни  
телефонингиз орқали сканер қилинг.



## МАҚСАД — ИНСОН САЛОҲИЯТИГА КАПИТАЛ ЙЎНАЛТИРИШ, УНИ ҲАРАКАТГА УНДАШ, ДУНЁҚАРАШНИ ЎЗГАРТИРИШДАН ИБОРАТ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 март куни иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиш, йирик энергетика объектлари қурилишини бошлаб бериш, маҳаллалар аҳли билан мулоқот қилиш мақсадида Наманган вилоятига ташриф буюрди.



Таъкидлаш жоиз, саноатни ривожлантириш кейинги йилларда Наманган вилоятининг драйвери, яъни “ўсиш нуқтаси”га айланди. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифининг илк куни манзилларида айнан саноат ривожига устувор аҳамият қаратилгани ҳам бежизга эмас.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Янги Наманган туманидаги “Гавҳар груп” корхонасини бориб кўрди. У йилига 1 минг 200 килограмм заргарлик буюмларини саноат усулида ишлаб чиқариш қувватига эга.

Юртимиз заргарлиги қадимдан машҳур. Жумладан, Наманганда ҳам қўлигул хунарманд сулолалар бўлган. Лекин етарли шароит бўлмагани, хомашё сотиб олишдаги қийинчиликлар сабабли кўп заргарлар фаолиятини тўхтатган эди. Бори ҳам буюмларни қўл меҳнатида тайёрларди.

Президентимизнинг 2019 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармогини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони соҳа вакилларига кенг имкониятлар очди. Хусусан, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга кон-металлургия комбинатлари ва аҳолидан қимматбаҳо металл парчалари, қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмларни сотиб олиш ҳуқуқи берилди. Хориқдан технология ва мутахассислар олиб келиш қўллаб-қувватланди.

Бундай эътибор ва имкониятлар заргар тадбиркорларга ишонч берди. “Гавҳар груп” масъулияти чекланган жамияти ҳам шу тарика вужудга келди. Туркия, Италия, АҚШ ва Германиядан замонавий ускуналар келтирилиб, 2022 йилда ишга туширилди.

Бугунги кунда корхонада 10 минг хил дизайндаги заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Чет эллар билан ҳамкорликда қўл соатларининг тилла корпусини тайёрлаш йўлга қўйилган. 2023 йилда 270 килограмм маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Шунингдек, бу ерда 3D моделлаштириш орқали буюртма асосида исталган кўринишдаги буюмларни ишлаб чиқариш мумкин.

Олтинни Товар-хонашё биржасидан кечиктириб тўлаш шарти асосида сотиб олиш имконияти айланма маблаг ва ишлаб чиқариш узвийлигида муҳим омил бўлмоқда.

Яна бир муҳим томони, корхонада маҳаллий заргарлар билан кооперация йўлга қўйилган. Натижада яширин ишлаганлар “соя”дан чиқди, иш ўринлари кўпайди. Корхонада 100 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган. Шу ернинг ўзига ёшларга хунар ҳам ўргатилади.

Давлатимиз раҳбари корхонада ишлаётган заргарлар билан суҳбатлашди. — Мамлакатимизда йилига 100 тонна олтин қазиб оляпмиз. Уни заргар тадбиркорларга бўлиб тўлаш шарти билан сотишга рухсат берилган. Очиги, бундай имкониятлар ҳеч қайси давлатда йўқ. Лекин юртимизда олтиннинг атиги 6 фоизи қайта ишланяпти. Олтин қазиб олинмайдиган мамлакатлар биздан кўп экспорт қилаяпти. Бу соҳада бироз кечикдик. Шунинг учун ишлаб чиқаришга қўшимча шароитлар яратяпмиз. Бу ҳали бошланиши. Соҳани ҳали яна ривожлантираемиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Туркиядан ишбилармонлар билан тажриба алмашиш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш

масалалари бўйича мулоқот бўлди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда “Мех-маш” масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларини ҳам кўздан кечирди.

Бу корхона йилига 20 минг тонна бурама мих ва 18 минг тонна рулонли қоғоз ишлаб чиқариш, 6 миллион долларлик экспорт қувватига эга. 700 киши иш билан таъминланган.

Бозор талабидан келиб чиқиб, автомобиль саноатида қўлланадиган маҳкамлаш маҳсулотлари ҳажмини ва экспортини ошириш, иш ўринларини кўпайтириш режалари юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги “Кумтепа” ёшлар кичик саноат зонасида бўлди.

Маҳаллаларда шаклланган касб-хунарларни ривожлантириб, драйверга иختисослаштирилган саноат зонаси лиги ва даромадларини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Уйчи туманидаги Кумтепа, Дехқон, Баландариқ ва Жийдакапа маҳаллаларида темирчилик шундай йўналиш.

2021 йилда бу ерда темирчиликка иختисослаштирилган саноат зонаси ташкил этилиб, хонадонлардаги уста-хунармандларга зарур шароитлар яратиб берилди. 4ч гектар майдонни эгаллаган мажмуа йўл, энергия, ичимлик ва оқова сув каби барча инфратузилма билан таъминланди. Шу билан бирга, энергия тежамкор усуллар жорий этилиб, кўёш панелларидан самарали фойдаланилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди, темирчи хунармандлар билан суҳбатлашди.

Саноат зонасида биринчи босқичда 52 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 минг 500 дан ортиқ иш ўринлари яратилган. Усталар хомашёни “Азия металл проф” корхонаси ва Тошкент металлургия заводида олиб, темирдан дарвоза, эшик, сўри, панжара ва бошқа металл буюмлар ишлаб чиқармоқда.

Жойларда бу маҳсулотларга талаб юқори. Шу боис тадбиркорлар барча вилоятларда ўз савдо уйлари ва ишлаб чиқариш филиалларини очган. Бундан ташқари, қўшни давлатларга 1,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Иккинчи босқичда яна 45 та лойиҳани амалга ошириш, 1 минг 330 та қўшимча иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Президентимиз мутасаддиларга саноат зонаси майдонидан самарали фойдаланиш, ёшларни ва ишсиз фуқароларни хунарга жалб этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда маҳаллабай ишлаш орқали ишсизликни камайтириш бўйича вазифалар муҳокама қилинди.

Сайхунобод тажрибаси асосида 14 та тумандаги 788 та маҳаллага иқтисодий идораларнинг раҳбар ва масъул ходимлари бириктирилган. Улар “маҳалла еттилиги” билан бирга 557 минг хонадондаги имкониятларни ўргатган.

— Мен Сайхунободда “бу йил иқтисодиётимизда ҳаётий уйғониш ва юксалиш йили бўлади” дедим. Мақсад — инсон салоҳиятига капитал йўналтириш, уни ҳаракатга ундаш, дунёқарашни ўзгартириш. Уйчи тумани ҳам иқтисодиёти оғир ҳудуд. Ушбу тизим асосида ишсизларга томорқадан даромад топиш, ўз ишини очиб, қобилиятини юза-

га чиқаришга қўмаклашиш керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Кумтепа маҳалласи марказида ҳам бўлиб, аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди.

Мазкур маҳаллада 5 минг 200 нафарга яқин аҳоли яшайди. Хонадонлар металлни қайта ишлаш, деҳқончилик ва хизмат кўрсатишга иختисослашган.

Бу йил маҳалла қиёфаси яхшиланди. Маҳалла идораси учун янги бино қурилди. Барча хонадонлар ичимлик суви таъминотига уланди. Ички йўллар, электр тармоқлари таъмирланди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида йўл бўйларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Маҳаллада тикувчилик цехи, гўзаллик саломи, спорт майдончалари, тиббиёт пункти, кутубхона, озик-овқат дўконлари ҳамда дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Янги маҳалла биносидан Тадбиркорларга қўмаклашиш маркази ҳам ташкил этилди. Бу ерда аҳоли ва тадбиркорлар айрим давлат хизматларидан фойдаланиши мумкин. Президент буни маъқуллаб, давлат идоралари билан боғлиқ масалаларни иложи борича маҳаллаларнинг ўзига ҳал этиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Наманган туманидаги “Nam Motor Servis” корхонаси фаолияти билан танишди.

Тўрт гектардан ортиқ ҳудудда жойлашган ушбу инвестициявий лойиҳанинг дастлабки босқичи 2021 йилда ишга туширилган. Хитойдан замонавий технологиялар келтирилиб ўрнатилди. Натижада йилига ўн минг дона электр двигателъ, икки минг дона сув насоси ишлаб чиқариш қуввати

яратилди. Юз киши иш билан таъминланди.

Корхона маҳсулотлари энергия тежамкорлик классининг “IE2” даражасида бўлиб, халқаро стандартларга жавоб беради. Улар мамлакатимиздаги кон-металлургия комбинатлари, сув хўжалиги ҳамда Марказий Осиё давлатларига етказиб берилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, электр двигателлар ишлаб чиқариш 60, сув насослари 100 фоиз маҳаллийлаштирилган.

Президентимизга корхонанинг истиқболдаги режалари, навбатдаги босқичлар ҳақида маълумот берилди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи май ойида, яқиний босқич эса йил охиригача ишга тушади. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ортиб, ҳамкорлик географияси кенгайди. Яна 160 та янги иш ўрни яратилади.

Хусусан, бу ерда 2,2 минг тонна эмалланган сим, 6 минг дона электр двигателъ, 4 минг дона катта ҳажмдаги сув насоси ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бу қўшимча 500 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, дегани.

Бошқа тармоқлар ва корхоналар билан кооперацияни кенгайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда, яна сармоялар кириб келмоқда. Бунга асос — Янги Ўзбекистонга бўлган ишонч.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

### Мулоқот

## ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 148-АССАМБЛЕЯСИДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, шу йил 23 — 27 март кунлари Швейцариянинг Женева шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг (ПИ) 148-ассамблеяси бўлиб ўтмоқда. Бир йилда икки марта ўтказиладиган ассамблеяда дунёнинг турли мамлакатларидан юзлаб парламент вакиллари иштирок этмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Парламентлараро Иттифоқ миллий парламентларнинг глобал ташкилоти бўлиб, у 130 йилдан кўпроқ вақт олдин барча мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик ва мулоқотни рағбатлантирадиган дунёдаги биринчи кўп томонлама сиёсий ташкилот сифатида тuzилган. Бугунги кунда 180 та миллий парламент ва 15 та минтақавий парламент органи Парламентлараро Иттифоққа аъзо. Тузилма демократияни тарғиб қилади ва парламентларни кучлироқ, ёшроқ, “яшилроқ”, гендер жиҳатдан мувозанатли ва инновацион институтларга

айлантиришга ёрдам беради. Ассамблея “Парламент дипломатияси: тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик учун кўприк яратиш” мавзусидаги умумий мунозаралар доирасида уюштирилди. Асосий эътибор умумий мавзуда делегатларга муҳокама учун платформа яратиш ва парламент фаолиятини кучайтириш юзасидан фикр алмашишга қаратилди.

Ассамблеяда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева нутқ сўзлаб, муҳим тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Сенат Раиси ўз нутқида тез ўзгараётган ва олдидан айтиш қийин бўлган халқ-

аро вазият ҳамда давлатлараро муносабатларда бир-бирини тушуниш тобора тақчил бўлиб бораётган бир даврда парламентлар роли ҳар қачонгидан муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини таъкидлаб ўтди. Пининг парламент дипломатиясини мустақамлашга қаратилган концептуал тамойилларини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган устувор йўналишларга тўхталди.

Жумладан, парламент дипломатияси давлатлар ўртасида ишончли мустақамлашнинг асосий механизми сифатида низоларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутиши, парламентлар аҳолининг ижтимоий ҳимоя-га муҳтож қатламлари ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилиши кераклиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, иштирокчилар эътибори парламент аъзолари ўртасида ишончли муносабатларни ўрнатишга, умумий муаммо ва вазифаларни ҳал этишга қўмаклашадиган минтақавий ҳамкорлик муҳимлигига қаратилди.

Ассамблея автоном қурол тизимлари ҳамда сунъий интеллектнинг ижтимоий ва гуманитар таъсирини барта-раф этиш ҳамда иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик: арзон “яшил” энергиядан фойдаланиши рағбатлантириш ва инновациялар, масъулият ҳамда адолатли таъминлаш бўйича резолюциялар қабул қилиши қуттилмоқда.

Шунингдек, ассамблеянинг умумий мавзуси бўйича яқиний ҳужжат қабул қилиниши назарда тутилган.

«Халқ сўзи».

### Қонунчилик палатаси фракцияларида

## КОНСТРУКТИВ ФИКРЛАР, АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР

Қонун лойиҳаларининг ҳар жиҳатдан пишиқ, мукаммал бўлиши қизгин мунозара ва тортишувларга бевосита боғлиқ. Чунки айнан бахс-мунозараларда конструктив фикрлар билдирилади, асосли таклифлар илгари сурилади. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг кеча бўлиб ўтган йиғилишларида қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига кириштирилиш режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари депутатлар томонидан апрофлича муҳокама қилинди. Лойиҳаларнинг ҳаётий зарурати, аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда бир қатор саволлар ўртага ташланди.

### Устувор вазифалар ижросида масъулият

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз раислигида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида инвестициялар жалб қилиш ҳамда экспортни кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқувчи партия ва унинг фракцияси олдига турган масалалар муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш,

аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида биргина ўтган йили юртимизда 23 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилиб, озиқ-овқат саноатида 86 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Шунингдек, ҳар йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашга 700 млрд. сўм, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга 1 трлн. сўм йўналтирилмоқда. Лекин натижа шунга яраша эмас. Бу борада ғалладан бўшай-диган 1 млн. гектар майдон, аҳолининг 508 минг гектар томорқаси, одамларга бўлиб берилган 260 минг гектар ер имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Мунозаралар давомида депутатлар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш ЎзЛиДеП ва унинг депутатлик корпуси зиммасига катта масъулият юклатилиши алоҳида қайд этди-лар. Мазкур топшириқлардан келиб чиқадиган партия ва унинг парламент-даги фракцияси олдига турган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда, шунингдек, “Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустақамлигини ва хавфсизлигини таъминлаш соҳаларини ривожлантириш ҳамда соҳа ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш бўйича кенг қўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.







# ОҚКЎНГИЛ ВА БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Айни кунларда халқимизга қувончли онларни бағишлаган Наврўзи олам шукуҳи мамлакатимиз бўйлаб тантанали нишонланди. Байрам сабаб кенг майдонларда эл-юртимиз сайил-томошалар ўтказиб, айём шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Айниқса, унинг сурури барча маҳаллада янада гўзаллик ва нафосати билан қалбларга етиб борди.

## ЯНГИ МАРРАЛАРГА ҚАНОТ

**Олжас ИСАЕВ,**  
«Дўстлик» ордени соҳиби.  
Навоий вилояти:

— Мен кўп йиллардан буён Конимех туманидаги “Уч-тепа” овул фуқаролар йиғинида ишлайман. Яқин-яқинларда ҳам маҳаллага ҳамма топшириқ берар, лекин ўша топшириқларнинг ўндан бирини ҳам бажариш учун имкониятимиз йўқ эди.



Шунинг баробарида вилоят марказидан қарийб уч юз километр олисдаги овулимиз аҳолиси тиббиёт, нақд пул, суюлтирилган газ каби ўнлаб ҳаётини муаммолардан қийналиб, масала қўтариб келар, уларнинг эса аксариятини ҳал этишга имкониятимиз етмасди.

Бугун ушбу муаммолар ҳақда гапирсак, кўпчилик ёшлар нишонмайди. Сабаби улар “Эл азиз, инсон азиз” деган гоа устувор тутилган даврда ўсиб-улғаймоқда. Хайриятки, халқни йиллар давомида қийнаб келган муаммоларни бартараф этишнинг янгича тизимлари яратилиб, ҳар бирининг эгаси белгиланиши натижа-сида, у кунлар ҳам кўркинчи-ли тушмай унутилмоқда.

Бугун маҳалла халқ дардини, муаммосини эшити-дан, уларни жойида ўрганиб ҳал қиладиган идорага, куч-га айланиб бормоқда, де-сам, сўзим эриш туюлмай-ди. “Маҳалла еттиллиги”, “та-шаббусли бюджет”, “ҳоким ёрдамчиси” каби институт-ларнинг жорий этилиши аҳолини ташвишга солган

муаммоларнинг юқорида эмас, қуйида ўш ечимини то-пишга замин яратди. Ва не-тонгки, ўз байрамимизга ҳам эга бўлди.

Ушбу байрам арафасида мамлакатимиз Президенти Фармони асосида Ватани-мизнинг юксак мукофоти билан тақдирланганимни маҳалланing ўрни ва нуфу-зини юксалтириб келаятган олис овуллардаги барча ма-ҳалла тизими ходимлари меҳнатининг эътироби деб ҳисобласак, муболага бўл-мади. Умуман, ушбу эъти-бор ўзаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, кўп асрлик анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш йўлидаги фаолиятимизда янги-янги марралар сари куч бағишламоқда.

## ҲАР КУНИМИЗ ЭЗГУЛИКЛАРГА ЙЎҒРИЛСИН

**Табассумхон ИСРОИЛОВА,**  
Анджон шаҳридаги «Баркамол» МФЙ раиси,  
«Соғлом турмуш» медали соҳибаси:

— Ватан маҳалладан бошланади. Биз яшаётган ҳудуднинг хусусияти мамлакатимиз қиёфасини шакл-лантиради. Шу боис ҳам республикамизда маҳалла ти-зимига бўлган эътиборнинг ортиб бориши жамиятимиз тараққиётини таъминлайди.



Мен фаолият олиб бо-раётган маҳалла Анджон шаҳрининг марказида жой-лашган бўлиб, аҳолиси зич ҳудуд ҳисобланади. 38 та кўп қаватдан иборат уйлار-да салкам беш минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Бир пайтлар вилоятдаги му-аммоли ҳудуд сифатида эс-ланадиган маҳалламиз бу-гунги кунга келиб намунали масканга айланган. Бунда фаолиятимизни нурунийлар, меҳнат фахрийлари, ёшлар билан ўзаро бамаслаҳат ташкил этаётганимиз кўл келаётир.

Маҳалламизда 2022-2023 йилларда бирорта жи-ноят содир этилмади, аж-римлар юзага келмади. Бун-дай натижага эришиш учун, бир неча йилдирки, “Қайно-налар”, “Ёш оилалар” мак-таблари фаолиятини жон-лантириб, шу йўналишда қўриқ-тановлар уюштириб келмоқдамиз. Хар кун аҳоли билан биргаликда “Саломатлик учун 5 минг қадам” шиори остида пиё-да юриш машқини бажара-миз. Хар томонлама ибрат бўладиган оилалар вакила-рини республикамиз бўйлаб саёхатга олиб бормоқдамиз. Маҳалламиз кўп қаватли уйлاردан ташкил топган бўлса-да, 22 гектардан ибо-рат томорқа ер майдонига эга. Айни пайтда бир қарич

ер ҳам бўш ётмайди. Хар бир кўп қаватли уйнинг ол-дида шу ерда истиқомат қилувчи аҳолининг эҳтиёжи учун полиз экинлари парва-ришланади. Томорқадан ташқари қолда картошка етиштириш тажрибасини йўлга қўйганмиз. Бунда бир қоп тупроққа 4 дона картош-ка экиб, беш килограмм ҳосил олаёмиз.

Маҳалламизда аҳолига хизмат кўрсатувчи объект-лар жуда кўп. Бундан таш-қари, шифохона, мактаб, бочка, банк каби ўнлаб му-ассаса ва ташкилотлар мав-жуд. Шу боис бизда ишсиз-лик каби муаммонинг юзага келиши мумкин эмас. Бироқ бу, ушбу йўналишга бефарқ қарасак бўлаверади, дегани эмас, албатта. Айни чоғда аҳоли орасида тадбиркор-ликни ривожлантиришга катта эътибор қаратялмиз. Шу тарика ўтган йили ўндан зиёф фуқароларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали ишбилармонлар сафига қўшдик. Бу эса қўллаб янги иш ўринларининг яратили-шига сабаб бўлди.

Аслида ҳам, хар бир ку-нимиз эзгу амаллардан ибо-рат бўлиши керак. Шунда ўзимиз ҳам яхши натижа-лардан қувониб яшаймиз. Давлатимиз раҳбарининг те-гишли Фармонида биноан Маҳалла тизими ходимлари кунини арафасида “Соғлом турмуш” медали билан тақ-дирланганим бунга ёрқин мисол. Бу натижага эса ма-ҳалламиз аҳлининг аҳлилик-ги орқали эришдик. Демак, бу маҳалламизга берилган баҳодир.

Март ойи байрами шодликларга, хурсандчиликларга тўла ой, десак, айни ҳақиқат. Бир неча йилдан буён мам-лакатимизда 22 март Маҳалла тизими ходимлари кунини сифатида нишонланиб келинаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари Наврўз умумхалқ байрамига

## КЕЛГУСИ ФАОЛИЯТИМ УЧУН КАТТА РАҒБАТ

**Музафилон РАЙИМЖОНОВ,**  
Марғилон шахридаги «Ўрда таги» МФЙ раиси,  
«Шуҳрат» медали соҳиби:

— Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизнинг барча ҳудудида юқори савияда ўтказилди ва айни пайтда байрам шукуҳи диллардан-дилларга кўчмоқда. Маҳалламизда ҳам ушбу айём ҳар қачонгидан-да зўр ўтказилди, десак, хато қилмайман. Сабаби Наврўзи олам билан бирга, Маҳалла тизими ходимлари кунини ҳам шоду хуррамликда нишонладик.

Бундан икки йил аввал ўзим туғилиб ўсган “Ўрда таги” маҳалла фуқаролар йи-ғинига раис бўлиб сайлан-гач, дастлаб ишлаш учун му-носиб шароит яратиш керак-лигини тушундим. Тадбиркор сифатида кейинги йилларда имкониятлардан унумли фойдаланиб, 200 та иш ўрни яратишга муваффақ бўлдим.

Шу сабабли, ўз тадбиркор-лигимдан 650 миллион сўм ҳомийлик маблағи ажратиб, маҳалла идорасига замона-вий бино қурилишига бош-қош бўлдим. Ҳозир “маҳал-ла еттиллиги” учун барча қулайлик муҳайё.

Шунингдек, ўтган йили ма-ҳаллада оталар чойхонаси

қурилиб, фойдаланишга топ-ширилди. Ёшлар спорт билан шуғулланиши учун теннис майдони бунёд этилди.

Маҳалламиз шаҳар марка-зида жойлашган. Хунарманд-чилик ва хизмат кўрсатиш маҳалла драйвери сифатида белгиланган бўлиб, 525 та оила тадбиркорлигининг би-рор юмуши билан банд. Ма-ҳалладошларимизнинг 150 га яқини хусусий ва кичик биз-нес субъекти вакили, 60 дан ортиғи хизмат кўрсатиш, 45 нафари хунармандчилик соҳасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бу йил иштиёқли кредит-лар эвазига хунармандчилик ва тикувчилик цехлари фао-



лиятини йўлга қўйиб, 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз. Ўз навбатида, фойдаланил-май турган эски сув ҳавзаси ўрнида болалар спорт май-дончаси барпо этиш режа-лаштирилган.

Асосийси, яқин истиқбол-да “Ўрда таги” МФЙни ша-ҳардаги энг намунали маҳал-лага айлантиришни устувор вазифа сифатида белгилаб олганмиз. Бунинг учун, би-ринчи навбатда, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудуд-га айлантиришимиз зарур.

Шу сабабли, “маҳалла етти-ллиги” хар бир оила кесими-да иш ташкил этиб, маъна-вий муҳит барқарорлигига

эришиш ҳаракатида. МФЙ ҳузурида тузилган комис-сияларнинг рўйхатдагина мавжуд бўлиши учун эмас, амалда ишлашига эришиля-ти. Қисқаси, халқимизнинг “Отанг маҳалла — онанг ма-ҳалла” деган ҳикмати ибо-раси бизда тўлиқ ишлайди.

Тадбиркор сифатида ўз бизнесининг ривожини ўйлаб яшаш бошқа, элу юрт манфа-ати йўлида фидойилик кўрсатиш бошқа, яъни жуда ҳам роҳатбахш экан. Нуруний-ларимиз яхши ишларимизни эътироф этиб, дуо қилишган-да янада қувонамиз. Давла-тимизнинг эътибори эса гай-ратимизга ғайрат, шижоати-мизга шижоат қўшаётир.

Президентимиз Фармони-га кўра Маҳалла тизими хо-димлари кунини муносабати билан “Шуҳрат” медалига лойиқ қўрилганимни камта-рона меҳнатимга юксак эътироф сифатида қабул қилдим. Бундай эътибор кел-гуси фаолиятим учун ҳам катта рағбатдир.

Маҳалла — оқкўнгил, бунёдкор халқимиз қалбининг кўзгусидир.

Маҳаллалар фаоллари байрамлар арафасида бу-гунги ислохотлар ва ўз ҳудудларида амалга ошири-лаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.

## ЮТУҚЛАРИМИЗ ҲАЛИ ОЛДИНДА

**Наргиза ИЛМУРОВА,**  
Термиз туманидаги «Жўйжангал» МФЙ раиси,  
«Шуҳрат» медали соҳибаси:

— Маҳалла институтини ривожлантириш ва унинг жа-миятдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳара-катлар аҳоли манфаатларига хизмат қилади. Шу жиҳат-дан, бугун хар бир масала маҳалланing ўзида ҳал бўли-ши учун барча шароит яратилмоқда. Одамлар ортиқча овозгарчиликлардан халос бўлди, югур-югурларсиз ўз юмушларини бажармоқда. Худудимиз инфратузилмаси яхшиланиши билан бирга, фуқаролар турмуш тарзи ҳам ўсиб борапти. Энг муҳими, ислохотлар хар бир кўча ва хонадонга кириб бораётганини одамлар ўз танасида ҳис этаётир.

Худудимизда “маҳалла ет-тиллиги”нинг кўнлиқ, ҳафтилик ва ойлик режалари ишлаб чиқилиб, татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратмоқ-дамиз. Айниқса, банк ҳисоб рақами очилиб, “Маҳалла бюджети” тизимининг ама-лиётга жорий этилгани фуқаролар йиғинининг имко-ниятларини кенгайтирди.

Айни ҳараёнда аҳоли кайфиятига таъсир қилувчи муаммоли ҳолатлар ўргани-либ, ўз вақтида ечим топиш чоралари қўрилипти. Сўнгги уч ой мобайнида ўрганиш-ларда аниқланган 288 та муаммодан 215 таси қисқа муддатда ижобий ҳал этил-ди. Жумладан, 68 нафар фуқаро ишга жойлаштирил-ди, 46 нафари касб-ҳунар ўқитишга йўналтирилди, 17 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилиниб, 36 та янги иш ўрни яратилди. Ечими муайян муддат ва маблаг талаб этадиган 73 та ижти-моий муаммони “Йул хари-таси”га кириштиш юзасидан тақдирлар таёйёрланди.

Ижтимоий масалалар, эҳтиёжмандларга манзили кўмак кўрсатиш ҳам фаоли-ятимизнинг асоси ҳисобла-нади. Хусусан, ажралиш ёқси-даги 5 та оила яраштирилиб, нотинч 15 та оиладаги низо-ларга барҳам берилди. Иж-тимоий ҳимояга муҳтож 12 нафар шахсга моддий ёрдам ва 43 нафарига бе-пул дори-дармонлар тақдим этилди. Шунингдек, ноги-ронлиги бор 2 нафар шахс аравача, 4 фуқаро протез-оптедия мосламалари ва бошқа реабилитация восита-лари билан таъминланди.

“Темир дастар”га кири-тилган 5 та оилага 9 мил-лион сўмлик, “Ёшлар даф-



тари”даги 19 нафар ёшга 13 миллион сўмлик ва “аёл-лар дафтери”га киритилган 10 нафар хотин-қизга 13 мил-лион сўмлик ёрдам кўрсатилди, эҳтиёжманд 22 та оилага бепул озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Уй-жой таъмири-га муҳтож, ўта оғир ша-роитда яшаётган 2 та оила-нинг уйини таъмирлаш иш-лари бошланди. Ўз тадбир-корлигини йўлга қўймоқчи бўлган 25 нафар фуқарога 2 млрд. сўмдан зиёд им-тиёзли кредит ажратилиши-га эришилди.

Илгари маҳаллий ҳоким-лик ваколатига кирган, бу-гунги кунда эса маҳалланing ўзида ечимини топаётган бундай масалаларга яна кўплаб мисоллар келтири-шимиз мумкин. Бугун маҳал-лада ишлашнинг масъули-яти ҳам катта. “Маҳалла ет-тиллиги”нинг ташкил этилган-и, “еттилик” аъзолари бир тану, бир жон бўлиб фао-лият юритаётгани меҳнати-мизни юзига қиярмоқда.

Камтарона меҳнатин “Ма-ҳалла тизими ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ ортдошларимизни мукофотлаш тўғрисида”ги Президент Фармонига кўра, “Шуҳрат” медалига лойиқ то-пилгани менга янада шижо-ат, куч ҳамда ғайрат берди. Аминманки, ютуқ ва марра-ларимиз ҳали олдинда.

## БУГУН МАҲАЛЛАДА ИШ ҲАМ, НАТИЖА ҲАМ БОР

**Ҳамза ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Қарши туманидаги «Лаганди» МФЙ раиси, «Шуҳрат» медали соҳиби:

— Бундан 11 йил муқаддам, яъни Қарши туманидаги “Лаганди” маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида илк фаолият бошлаган кезларимда бу ерда электр энергияси, ичимлик суви, йўл, бандлик ва бошқа соҳаларда муаммолар жуда кўп эди. Уларни ҳал қилишга бизнинг ваколатимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етмасди.

Президентимиз ташаббуси билан маҳалланing жамиятдаги ўрни ва ро-лини кучайтириш йўлида амалга оши-рилаётган ислохотлар натижасида ма-ҳалланing ваколати ҳам, имконияти ҳам, халқ орасидаги обрў-эътибори ҳам ошиб бормоқда. Эндиликда маҳалла фаоллари астойдил ишласа, бир ёқдан бош чиқариб ҳаракат қилса, ҳудуддаги хар қандай муаммони ҳал этиши мумкинлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди.

Ўз фаолиятим мисолида айтадиган бўлсак, сўнгги уч йил ичида турли дас-турлар орқали маҳалламизда янги 120 ўринли давлат мактабига таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик пункти капитал таъмирланиб, бу ерда сифат-ли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилди. Хонадонлар

тўлиқ марказлашган ичимлик суви билан таъминланди. Худуддаги 4 та транс-форматор, 100 та симёғоч, ҳаво ка-беллари янгиланди. Натижада электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар қолмади.

Бундан ташқари, маҳалламиз ахли биргаликда ҳаракат қилиб, икки маро-таба “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси-да ғолиб бўлди. Биринчи маҳалламиз ҳудуддаги қабристоннинг атрофини ўраб, ободонлаштириш учун молиявий имкониятга эга чиққан бўлсак, иккин-чисида 15 километр йўлларга асфальт қоплама ётқишишга эришдик.

Маҳалламизда тадбиркорлиқнинг барча тури ривожланиб бормоқда. Бу эса ҳудудда хизмат кўрсатиш сифати-нинг ошиши, янги-янги иш ўринлари яратилишига замин бўлаётир.

Умуман айтганда, бугун маҳаллада



иш қизғин ва энг асосийси, қилаётган ишларимизда самара бор. Ва бу иш-ларимизнинг натижасини маҳалламиз-нинг ободлиги, фаровонлигига қўриб, билиб турибмиз. Албатта, бундай ша-роитда кишининг янада ишлагиси, янги-янги режаларни амалга оширгиси келаверади. Ҳозир “маҳалла еттиллиги” биришиб, олдимизга яна катта режа-ларни белгилаб олиб, маҳалламиз фаровонлиги йўлида ҳаракат қилаямиз.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони-га асосан “Шуҳрат” медали билан тақ-дирланишнинг нафақат мени, балки фуқаролар йиғини жамоасини ҳам бирдай хурсанд қилди. Бу мукофот биз-га янада куч, шижоат бағишлади.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони-га асосан “Шуҳрат” медали билан тақ-дирланишнинг нафақат мени, балки фуқаролар йиғини жамоасини ҳам бирдай хурсанд қилди. Бу мукофот биз-га янада куч, шижоат бағишлади.

## «БИР НУРОНИЙ — ЎН ЁШГА МАСЪУЛ»

**Шокир ҲАФИЗОВ,**  
Ромитан туманидаги «Қалайчорбоғ» МФЙ нурунийлар кен-гаши раиси:

— Биз, нурунийлар ўғил-қизларимизни эс-хушли, одобли, миллий қадриятларимизни эъзозлайдиган, фарзандлик бурчини унутмайдиган, оқ билан қоранинг фарқида етадиган қилиб тарбиялашда ўзимизни масъул, деб ҳис этамиз. Бунда ҳаётини тажрибага таянчимиз, албатта.



Айни пайтда яна ўн нафар ёшга мураббийлик қиляпман. Улардан бирининг бандлиги таъминлан-ди. Яна беш ўғил-қизнинг муам-молари бугун-эрта ечим топади.

“Маҳалла еттиллиги” билан ҳамкорликдаги шу каби ишлар сабаб маҳалламиз жиноятдан холи ҳудудга айланди. Айтмоқ-чи, ўзим ҳам ўтган йилда “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” кўрик-танловининг вилоят бос-қичида фахрилик иккинчи ўринини эгалладим.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд “Хар қадамда хушёр бўл” дея лутф этганлар. Замонлар сино-видадан ўтган бу ўнгит замирида бир дунё маъно бор. Агар юр-тишимиздаги хар бир нуруний ўзини лоқал ўн нафар ўғил-қиз-нинг тарбиясига масъул, деб билса, уларни ноҳўя йўлдан қай-тарса, қадамини хушёрлик би-лан ташлашга ўргатса, бу ёш авлод тарбияси йўлида амал-га оширилган жуда катта иш бўлади.

Айни пайтда яна ўн нафар ёшга мураббийлик қиляпман. Улардан бирининг бандлиги таъминлан-ди. Яна беш ўғил-қизнинг муам-молари бугун-эрта ечим топади.

“Маҳалла еттиллиги” билан ҳамкорликдаги шу каби ишлар сабаб маҳалламиз жиноятдан холи ҳудудга айланди. Айтмоқ-чи, ўзим ҳам ўтган йилда “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” кўрик-танловининг вилоят бос-қичида фахрилик иккинчи ўринини эгалладим.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд “Хар қадамда хушёр бўл” дея лутф этганлар. Замонлар сино-видадан ўтган бу ўнгит замирида бир дунё маъно бор. Агар юр-тишимиздаги хар бир нуруний ўзини лоқал ўн нафар ўғил-қиз-нинг тарбиясига масъул, деб билса, уларни ноҳўя йўлдан қай-тарса, қадамини хушёрлик би-лан ташлашга ўргатса, бу ёш авлод тарбияси йўлида амал-га оширилган жуда катта иш бўлади.



Инсон меҳнат қилаверса, хар қандай манзил обод бўлиб бораверади. Бизнинг маҳалламиз йилдан-йилга кўркамлашмоқда. Биринга ўтган йили 6 км.га яқин ички йўллар асфальт қилинди. 585 та хонадонга тоза ичим-лик суви олиб кирилгани ҳам

## МАЪРИФАТ ВА ЗИЁ МАСКАНИ

**Назира МАМАЖОНОВА,**  
Янги Наманган туманидаги «Бунёдкор» МФЙ кутубхоначиси:

— Туман марказидан ўн икки ҷақирим масофада жойлашган маҳалла-миз тобора обод бўлиб бормоқда. Бундан уч йил аввал бу ерда фуқаро-лар йиғинининг янги замонавий биноси ишга туширилди. Унда идорадан ташқари IT маркази ва касбга ўқитишга мўлжалланган мономарказ, шунингдек, уч минг китоб фондига эга кутубхона ҳам ўрин олган.

Зиёхона очилгандан сўнг муто-лаага ҳавасманд инсонларнинг кўпчилиги бўш вақтини шу ерда ўтқа-зидиган бўлиб қолди. Уларнинг ёши ва қизиқишлариго мос адабиётлар ҳаммиса топилгани учун кекса отахон ҳамда онахонларимиз ҳам набира-лари билан бирга китоб ўқишга

Ҳозирги кунда доимий рўйхатда-ги аъзоларимиз сони 350 нафардан ошиб кетди. Ижтимоий тармоқ орқали очган кутубхонамиз хизма-тидан эса 200 дан ортиқ маҳалла-дошларимиз фойдаланмоқда.

Ёшларни мутолаага янада кенроқ жалб этиш мақсадида яқинда тан-лов эълон қилдик. Унинг ягона шар-



ти энг кўп китоб ўқий эди. Ғолиб чиққан мукофот учун замонавий планшет олади. Айни кунда даъво-гарлар сони юздан ошиб кетди.

Биласизми, маҳалла маънавият ва маърифат тарқатувчи масканга ай-лангани, бу — бизнинг ютуғимиз.

## ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

**Муҳаммадасизбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Қўрғонтепа туманидаги «Обод турмуш» МФЙ раиси:

— Обод юртга байрамлар ярашади. Шу маънода, бугун барча манзилларда, хусу-сан, бизнинг маҳалламизда ҳам байрам шукуҳи кезиб юрибди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда нишонланадиган Маҳалла тизими ходимлари кунин билан юртдош-ларимизни, жонқуяр ва фидойи маҳалла фаолларини табриклаб, уларнинг ишларига муваффақият тиладики, бу ҳам бизга катта куч-ғайрат беради.

мўҳим воқеали бўлди. Бу йил баҳор фаслининг ўзида ма-ҳалладошлар кўмаги билан 5 минг туп манзарали ҳамда мевали кўчатлар экдик. 10 минг тупдан ортиқ гул-лар эса кўчаларимиз кўрки-га кўрк қўшиб турибди. Бугунги кунда маҳалла-

нинг зиммасида жуда катта масъулият тузилаётган бў-ро. Ёшлар тарбияси, оила-лар мустаҳкамлиги, банд-лик, ижтимоий ҳимоя ва бошқалар. Бу йўналишдаги ишларда бир сони бўлса-да, масъулиятсизликка, лоқайдликка йўл қўйиб

бўлмади. Бу борада айрим муаммоли масалалар ҳам йўқ эмас, албатта.

Президентимиз таъкид-лаганидек, муаммолар ечимида фуқаролик жамия-ятининг ноёб намунаси бўлган маҳалла етакчи ўрин тутди.

## Халқ сўзи Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.